



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 145 (17.129) • 26 июнь 1978 йил, душанба • Баҳоси 2 тийин

МИНСК, СЕНИНГ ЖАСОРАТИНГ СЎНМАЙДИ!

ҚАҲРАМОН ШАҲАРГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ ТОПШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ

МИНСК, 25 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Шаҳар меҳнаткашларининг Ватан олдидаги гойат катта хизматлари, гитлерчи боқинчиларга қарши курашда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги учун, Улуғ Ватан уруши йилларида Белоруссияда умумхалқ партизанлар ҳаракати кучайтиришда катта роль ўйнаганлиги учун ҳамда Белоруссия ССРнинг немис фашист боқинчилардан озод этилганлигининг 30 йиллигини вишонилан юзасидан Белоруссия пойтахти Минскка «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилди.

Бугун Белоруссия ССР опера ва балет катта театри биносидан шаҳарга Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилишига бағишланган Минск шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг партия, жамоат ташкилотлари, меҳнаткашлар коллективлари ҳамда Минск гарнизони ҳарбий қисмлари вакиллари иштирокида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, ССР мудофиа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Минск шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг аъзолари, ишлаб чиқариш доғдодлари, фан ва маданият арбоблари тантанали йиғилиш президиумидан жой олдилар. Республиканинг Улуғ Ватан уруши даврида Белоруссия Компартияси Марказий Комитети собиқ биринчи секретари, партизанлар ҳара-

кати марказий штаби бошлиғи П. К. Пономаренко билан биргаликда келган ёшлар, тантаналарда қатнашиш учун республиканинг ҳамма областларидан келган делегацияларнинг раҳбарлари, Минскнинг фахрий граждандарлари ҳам президиумда ўтиришди.

Тантанали йиғилишни Белоруссия Компартияси Минск шаҳар комитетининг биринчи секретари Г. Г. Бартошевич очди.

Совет Белоруссиянинг пойтахти — қаҳрамон шаҳар Минск меҳнаткашлари, бутун белорус халқи шу кунларда ҳалқонли ва шодона воқеаларни бошидан кечирмоқда, деди у. Ватанинг олий мукофоти Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медалини шаҳримизга топшириш учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков, республика Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Минск шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг аъзолари, ишлаб чиқариш доғдодлари, фан ва маданият арбоблари тантанали йиғилиш президиумидан жой олдилар. Республиканинг Улуғ Ватан уруши даврида Белоруссия Компартияси Марказий Комитети собиқ биринчи секретари, партизанлар ҳара-

кати марказий штаби бошлиғи П. К. Пономаренко билан биргаликда келган ёшлар, тантаналарда қатнашиш учун республиканинг ҳамма областларидан келган делегацияларнинг раҳбарлари, Минскнинг фахрий граждандарлари ҳам президиумда ўтиришди.

Совет Иттифоқининг ва Белоруссия ССРнинг Давлат гимнлари янгради.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси баъзд руҳ билан тантанали йиғилиш Фахрий президиумга сайланади.

Қаҳрамон шаҳар Минскнинг байроғи, КПСС Марказий Комитети, ССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети, Белоруссия ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Белоруссия насабасонолари республика Советининг эъдалик байроғи залга олиб кирилди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МИНСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 24 июнда Минскка жўнаб кетди. У қаҳрамон шаҳарга Ленин ордени ҳамда «Олтин Юлдуз» медали топширишга бағишланган тантаналарда қатнашди. Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Ко-

митети Сийёсий бюросининг аъзоси, ССР мудофиа министри Д. Ф. Устинов жўнаб кетди.

Воқеада Ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кирилленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, М. А. Сулов, КПСС

Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолари кандидатлари П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломонов, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари В. И. Долгих, Я. П. Рябов, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Г. С. Павлов, Г. Э. Цу-

канов, Н. А. Шучаков, КПСС Марказий Комитети аъзолари кандидатлари С. К. Цвилгин, КПСС Марказий Комитети бюросининг аъзоси А. И. Блатов, темир йўллар министри И. Г. Павловский, КПСС Марказий Комитети Бош секретари референти Е. М. Самотейкин кузатиб қолдилар.

БЕЛОРУССИЯ ПОЙТАХТИДА САМИЙ КУТИБ ОЛИШ

МИНСК, 25 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Қаҳрамон шаҳарга Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширишга бағишланган тантаналарда қатнашиш учун келган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни кутиб олиш учун Минскка келган «КПССга шон-шарафлар», «Яшасин қаҳрамон совет халқи», «Хуш келибсиз, азиз Леонид Ильич!» деган шiorлар ёзилган транспарантлар кўзга ташланди.

Ўртоқ Л. И. Брежневга шаҳарнинг рамаий калити топширилди.

Машиналар кортежи Галаба майдонига кириб келди. Майдон марказида Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан учун олиб борилган жангларда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган Совет Армияси жангчилари ҳамда партизанлари шарафига ёлгорлик—обелиск қад кўтарилди. Монумент ёнида қаҳрамонлар хотирасига абадий машъал ёқилган. Майдонда Минск гарнизони жангчиларининг фахрий қорувули саф тортиб турибди.

Л. И. Брежнев обелиск пойига гулчамбар қўйди. Гулчамбарнинг қизил лента-

сини «Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалқ бўлган жангчилар, партизанлар, подполшникларга, Л. И. Брежневдан» деб ёзилган.



Суратда: ўртоқ Л. И. Брежневни Минск шаҳрида кутиб олиш пайти. (ТАСС фотолари).



Мукофот топшириш пайти.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ П. М. МАСШЕРОВГА МУКОФОТ ТОПШИРДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 25 июнь кунин Минскда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоларига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Масшеровга Ленин ордени ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Ўроқ ва Болға» олтин медалини топширди.

Мукофотни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофиа министри Д. Ф. Устинов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзоларига кандидатлар, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, Белоруссия Компартияси об-ласть комитетларининг биринчи секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари ҳозир бўдилар.

Мукофотни топшириш маросимида Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз Петр Миронович! Мен Сизга Ленин ордени ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Ўроқ ва Болға» олтин медалини топширишга бағишланган гойат мамнунман. Сизнинг олтинчи ёшлар туғилишигиз шу юксак мукофот билан таъдирланди. Бу мукофот Сизнинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматларингиз бугун ҳам томонидан эътибор қилинганлигини далил қилиб беради.

Сизнинг бугун ҳаётингиз Белоруссия ССР билан боғлиқ, Сиз ўзининг меҳнат фаолиятингизни шу ерда бошлагингиз, Сиз бу ерда Улуғ Ватан уруши йилларида партизан отрядларида мардона жанг қилдингиз. Ватан Сизнинг жасоратингизга юксак баҳо берди. 1944 йилда Сизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган фахрий унвон берилди. Сиз бу ерда, Белоруссияда партия ва давлат ходими бўлиб етишдингиз.

Белоруссия хўжалик ва маданияти ривожлантириш соҳасида эришган ажойиб муваффақиятлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тўғри сийёсий йўли натижаси, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ёрдам ва мададига таянган белорус халқи фидокорона меҳнатининг натижасидир.

П. М. МАСШЕРОВ НУТҚИ

Азиз Леонид Ильич! Хурматли ўртоқлар! Менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди муносибати билан гойат ҳаяжонланаётганлигимни, чексиз қувонч ва эър масъулият туғилганини ҳис қилаётганлигимни сўз билан ифода қилишим қийин.

Бугун Сизнинг қўлингиздан Ватанинг олий мукофотини қабул қилиб олар эканман, менга кўрсатилган бу таъриф шараф учун, меннинг ишима берилган юксак ва зимматга кўп бурч юлдузидан баҳо учун, хурматли Леонид Ильич, шахсан Сизга,

халқи фидокорона меҳнатининг натижасидир. Шу билан бирга бу муваффақиятлар республика партия ташкилоти, Белоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг самарали ташкилотчилиги ва сийёсий йўли натижасидир. Сиз 1965 йилдан буён Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг бошчилик қилиб келмоқдасиз.

БЕЛОРУССИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 25 июнь кунин Белоруссия Коммунистик партиясининг Марказий Комитетидан Белоруссия Компартияси раҳбарлари ҳамда республика областларининг раҳбар ходимлари билан учрашди. Учрашувда Л. И. Брежнев билан бирга Минскка келган КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофиа министри Д. Ф. Устинов, шунингдек КПСС Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Белоруссия ССР Министрлар Совети Раиси

Александров ва КПСС Марказий Комитети ишлар муҳабирининг ўринбосари М. Е. Могилевец қатнашдилар.

Леонид Ильич Брежневни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоларига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Масшеров, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бюросининг бошқа аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Белоруссия ССР Министрлар Совети Раиси

(Давоми илгирчи бетда).

ТОШКЕНТДА ПУШКИН ШЕЪРИЯТИ БАЙРАМИ

- АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК КУНЛАРИ
- ХАЛҚНИНГ ЧЕКСИЗ МЕХР-МУХАБАТИ
- ШЕЪРИЯТ МУХЛИСЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

25 июнь куни Ўзбекистон пойтахтида ҳар йили республикада ўтказиладиган анъанавий Пушкинхонлик кунларининг ўзинга хос таътанали яқинига айланган шеърят байрами бўлди.

Бу байрам А. С. Пушкин номи майдонда, улут рус шеърига қўйилган ҳайкат ёнида ёрталаб соат 10 да бошланди. Ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари гешаида сўз устаси, эркинлик куйиши, ўз асарлари билан индишларни рўшониликка чақирган, олижаноб ишларга илҳомланган улут инсонга чексиз меҳр-муҳаббат ва мишаддорчилик туйғулари билан унинг хотирасини ёд



Суратда: пойтахтдаги Пушкин номи майдонда шеърят байрами.

Ғолиблик йўлида

Голландия—Аргентина учрашуви билан жаҳон биринчилиги учун XI чемпионат ўйинларига нукта қўйилди. Газетхонлар «Совет Ўзбекистони»нинг ушбу сонини олиб ўқиган келерда жаҳон чемпиони маълум бўлди. Ҳақиқатан ҳам, Голландия—Аргентина учрашуви жаҳон футбол шикозлари зўр кизикши билан кузатиб борилад. Бу матч анжори зирар орқали жаҳоннинг 90 мамлакатига олиб кўрсатилди. Биринчилик ўйинлари эгаси устаси Менотти таъбири билан айтганда, иккибозлар ҳужумсиз футбол фестивалини кўришга муваффақ бўладилар.

Шанба кунини эса, бронза медали учун кураш борди. Бунда Италия ва Бразилия терма командалари куч синишдилар. Учрашунинг 38-минутда италияликлар олдинга чиқиб олишди. Россия-Казуию комбинидаси бразилияликлар дарвозасига тўп киритиш билан яқунланди. Танаффусдан сўнг унинг суръати тезлашди, таъбирус Бразилия чарм тўп устаси кулига ўтди. Улар биринчилик кескин ҳужум уюштириб, иккита чиройли тўп киритдилар. Аввалига қимомли Нольино узоқ масофадан тўп дарвозани аниқ нишонга олди. Ҳисоб 1:1. Кейинчалик Дирсеу иккинчи тўпни киритди. 2:1 ҳисобда ғалаба қозongan Бразилия терма командаласи бронза медали эгаси бўлди. Шундай қилиб, Аргентинада ўтказилган жаҳон чемпионатининг учинчи ва тўртинчи ўрин эгаси маълум бўлди.

Голландия—Аргентина ўрашуви орафасида иккибозлар турли рақамларни ёдга олишди. Голландия терма командаласи футбол ўйинлари тарихида ушбу команда сифатида финалга иккинчи марта кетма-кет чиқди. Бунга италияликлар (1934 ва 1938 йиллар) ва Бразилияликлар (1958 ва 1962 йиллар) шу ҳуқуққа эришган эдилар. Мақдони эгалари — Аргентина футболчиларининг Голландия командаси билан учрашуви қандай натижа билан тугаганинига қарамай, у футбол тарихи саҳифасида ўнма из қолдирган, табики.

Учрашув олдидан ўйинчилар шундай фикрлар билдирди: Голландияликлар капитани Крос: «Майдон эгалари табики, ки, ҳужумкорлик руҳида ўйнашди. Бунинг устига стадионга йиғилган иккибозлар улутни гула қўллаб-қувватлад. Шу бондан ўйин юксак суръатда ўтди» десе, аргентиналик ўйинчиларнинг барчаси «биринчи бўлиб дарвозани нишонга оламиз, ғолибликни қўлдан бермаемиз», деб баъраля айтишди.

Юқорида биз Голландия—Аргентина учрашуви биринчилик ўйинларига нукта қўйдик. Дарди, балки, бу ўйин асосий вақтда ҳам, қўшимча вақтда ҳам дурант натижа билан тугаши мумкин. Ушунда қомандалар 27 июнда тасдиқий майдонга тушадилар.

Чемпионатнинг қолган қомандалари тўлганга оқинча ва тўплар синишган кура, куйидаги ўринларни эгаллашди: 5. ГФР, 6. Австралия, 7. Польша, 8. Перу, 9. Шотландия, 10. Гунис, 11. Испания, 12. Франция, 13. Швейцария, 14. Эрон, 15. Венгрия, 16. Мексика.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Редакция адреси: 700000
ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

АХБОРОТ

ОБЛАСТЛАРДАН ДАРАКЛАР

ХАММА ИШЛАР МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛДИ

Мирзачўл районидagi «Партия XXIV съезди» совхозида 800 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси курилди. Бу ерда ҳамма ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилган, энг янги машина-ускуналар билан таъминланган ветеринария лабораторияси ишлаб турибди. Комплексини «Иржарсовхозстрой» трестига қарашли 15-механизацияланган кўча колонна қурган. Беш йилга охиригача Жиззах областида яна 30 та гушт-сут комплекси ишга тушади.

МАХСУЛДОРЛИК ОШИДИ

Бухоро паррандачилик фабрикасида йил бошлангандан бери 15 миллионга тўхум олинди. Қорхонда шу вақт ичида тўхум қилдиган товуқлар сонини ўзгартириш ҳолда уларнинг махсулдорлиги ошди. Ҳамма паррандалар сермаҳсул эгилар билан алмаштирилиши, озукдан рационалроқ фойдаланилиши, товуқлар парвариши яхшилланиши тўғрисида бунга эришилди. Бу йил фабрикада ҳар бир товуқдан бўлтурғига қараганда 30 та кўп тўхум олиш мўлжалланади.

ЛНГИ КОМПЛЕКС

Хоразмдаги «Облколхозстрой» трести Шовот районидagi «Москва» колхозида сут комплексининг биринчи навбатини фойдаланишга топширди. Кенг оғилхоналарда 600 бош сиғир ва 224 бош бузоқ боқилади. Қорхона замонавий суғориш қурилмалари, молларнинг парвариши қилдиган механизмлар билан таъминланган.

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Самарқанд областидаги «Партия XXV съезди» совхозида тўрт километр узунликдаги канал қурила бошланди. Бетон билан қопланган канал хўжалик экинзорларини сув билан таъминлашни аниқлашга йўл очди. Бу ерда барпо этилаётган янги боғлар ва тоқзорларга сув берди. Областдаги «Уч қаҳрамон», «Богизогон» совхозларида, иختисослаштирилган бошқа хўжалиқларда ҳам янги каналлар қурилоқда. (ЎзТАГ).

ЯНГИ НАСОСЛАР

Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистон далаларида УНП-300 экспериментал насос установналари фўзани суғоришда ишлатила бошланди. Улар эгаларга бир секундда 200 ва 300 литр сув бера олади.

Янги установналар насосга олдиндан сув куйишни талаб қилмайди, уларнинг присувага боғириб қўйилди. Агротларнинг ирригация билан шуғулланувчи Тошкент давлат махсус конструкторлик бюроси ишлаб чиқди.

ОЗУҚА ЦЕХИ ҚУРИЛДИ

60 мингдан ошми қоранқў қўй боқилдиган «Ўзор» совхозида озуқа цехи ишга туширилди. Бу ерда концентратланган ва донадор озуқа ишлаб чиқарувчи линия монтаж қилинди, озуқани минерализация, турли витаминлар, аминокислоталар қўшадиган усунуна ўрнатилди. Цех бир сменада 13 тонна донадор озуқа тайёрлаб беради. Натимда совхоз икки йилдан озунга запасини гаммай олади, районнинг кўшини хўжалиқларга ҳам ёрдам бера олади.

Ҳозир Қашқадарь областининг иختисослаштирилган 17 та қорамолчилик хўжалигида шундай цехлар барпо этилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРИЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МЕДИЦИНА ТЕХНИКУМИ 1978—1979 ўқув йили учун РЕНТГЕН ВА ЭЛЕКТРОН МЕДИЦИНА АППАРАТЛАРИ МОНТАЖИ ВА РЕМОНИ БУЙИЧА ТЕХНИКА МЕДИЦИНА ОПТИКАСИ ВА ТИШ ТЕХНИГИ ИХТИСОСЛАРИ БУЙИЧА

Ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Рентген ва электрон медицина аппаратлари монтаж ва ремони буйича техника, медицина оптикиси; тиш техник буйимларига 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқини муддати ренгтен ва электрон медицина аппаратлари монтаж ва ремони буйича техника, медицина оптикиси бўлимларида 2 йилу 10 ой; тиш техник буйимларида — 1 йилу 10 ой.

Кирувчилар директор тоғига ариша, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат, медицина справаси (286-форма) ва 4 фотосурағ (3x4 см.) топширадилар.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

РЕНТГЕН ВА ЭЛЕКТРОН МЕДИЦИНА АППАРАТЛАРИ МОНТАЖИ ВА РЕМОНИ БУЙИЧА ТЕХНИКА МЕДИЦИНА ОПТИКАСИ БУЙИМИГА КИРУВЧИЛАР — она тили (ёзма), математика (оғзаки), ТИШ ТЕХНИГИ БУЙИМИГА КИРУВЧИЛАР — она тили (ёзма), химия (оғзакидан имтиҳон топширадилар.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

РЕНТГЕН ВА ЭЛЕКТРОН МЕДИЦИНА АППАРАТЛАРИ МОНТАЖИ ВА РЕМОНИ БУЙИЧА ТЕХНИКА МЕДИЦИНА ОПТИКАСИ БУЙИМИГА КИРУВЧИЛАР — она тили (ёзма), математика (оғзаки), ТИШ ТЕХНИГИ БУЙИМИГА КИРУВЧИЛАР — она тили (ёзма), химия (оғзакидан имтиҳон топширадилар.

Ўқитилган ўқув адрес: Тошкент-107, Нурхон кўчаси, 16-уй (70, 75, 79, 80-автубуслар, 16-тротуар) бўлисини «16-шаҳар касалхонаси» бекати. Телефонлар: 77-55-35, 77-45-16.



НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Қосон сой марказида янги универсал мағазини фойдаланишга топширилди. Суратда: универсал кўришиши. Х. Ҳайдаров фотоси (ЎзТАГ).

Китоб устига ўйлар

МАНГУ БАРҲАЁТ МИСРАЛАР

У ёки бу халқ тарихининг турли давлари ва турли аёлларига мансуб шоирлар ижодини бир китобга жамлаб, нашр этиш ҳаммиша китобхонларнинг чўқур диққат-эътиборига сазовор бўлиб келган табиқдир.

Улут М. Горький асос солган аниқ узоқ тарихли ва оммавий «Шоирлар кутубхонаси» сериясида ўтган йили «Советский писатель» нашриёти томонидан чоп этилган «Ўзбекистон шоирлари» номи янги китоб ана шундай нашрлар жумласига кирди.

Мамлакатимизнинг кенг ўқувчилар аудиториясини рус тилида ўзбек халқи поэзиясининг дурдоналари билан яна бир марта таништириш имкониятига эга бўлди.

Китоб олим Воҳид Зоҳидовнинг сермазмун мақоласи билан очилди. Мақолада теран ҳиссийларга, юксак фикрларга, ёриш бетақдор оғзақларга бой ўзбек поэзиясининг нафис дунёсига китобхонни етаклаб қиради, уни бу қадимий адабиёт тарихи билан номи бугунги кунда ер юзининг ҳамма бурчақларида яққол эшитилди турган Шарқнинг улут шоирлари ижоди билан таништирилади.

Воҳид Зоҳидов ўзбек совет поэзиясининг тугилуши унинг янги ҳаёт учун қурашга қақирин руҳи билан сўздорлардан иди намуналари ҳусусида ҳам батафсил фикр юртлади. Мақоланинг бир неча бўлимлари эса ҳозирги кун ўзбек поэзиясига ақойиб асарлар билан умумиттифок шеърятига ҳисса қўшаётган танқиди шоирлар ижоди таҳлилига бағишланди.

«Шоирлар кутубхонаси» анъанавий сериясининг илҳам ҳажми микёсида турли даврларда яшаб иқол этган хатто энг йилан шоирлар ижоди билан ўқувчиларни атрофидан таништириш шўбҳасида кийин. Аммо, шунини таъкидлаш керакики «Ўзбекистон шоирлари» китобида Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний, Аҳмад Юнақий, Хоразмий, Дурбек, Лутфий, Юсуф

Амирий, Сакқокий, Атоий, Гадоий, Бобир, Машраб, Увайсий, Нодира сингари ўзбек адабиёти классикаларини танланган гўзал лирик шеърлари ўрин олди.

Этмишда яратилган поэтик асарлар ўша даврларнинг қайтариқмас руҳини, халқнинг ҳаётини, озу ва интилишларини, мустақиллиги ва озодин учун қурашларнинг ошани нафасини ўз мисраларида жо этиб, бизгача этиб келган.

Классик шеърят тарихимаси нияҳатда мураккаб сермашакат ижодий иш. Гоҳида таржимонлар ташиқ яқинроқ, шаклнинг ёриш «шаарко» жилдоларига махсус бўлиб қолади. Бунинг оқибатида баъзи ҳолларда кўтаринилик, таънавародин замонида яширинган теран психизмат маънолари оғзақларнинг ҳақиқий моҳияти тарихида озага чиқмайди. Таржимонлар, моҳир таржимонлар эса бадини ўғирлаётган асарини бу ҳусусидани диққат-марказида тутади.

Китоб тўловчиси А. Наумов, бизнингча, ўзбек шеърятининг энг ноёб айтиш пайдала, рус тилига моҳирона ўғирланган намуналарини тавлашга муваффақ бўлган.

«Ўзбекистон шоирлари» китобининг мавлоғида қадришди Л. Пеньковский, В. Державин, К. Симонов, Б. Лунговский, В. Звягинцева, М. Гребнев, В. Липко, Р. Морган, С. Ботвинник, Л. Стрешнева, С. Сомова, С. Иванов, А. Наумов, С. Северцев каби таъкиди рус шоирлари ва таржимонларининг хизматларини алоҳида миннатдорчилик билан эслаш ўринли бўлади.

Улардан баъзилари таржимонлик фаолиятини кўп йиллар олдин бошлаган ва йуғунга келиб, ўзбек шеърятини енгини мунглаб ақойиб мисраларини оуе тилига моҳирона таржима этишди, умумиттифок китобхонларини алоҳида таъкидлаш керакики «Ўзбекистон шоирлари» китобидан чўқур таништирилади. Таржимонларининг яна бир гуруҳи эса бу қабилга ишга не-

ишроқ қўл урган, аммо қисна мудат мобайнида катта самараларга эришган қалам соҳибларидилар.

Китобда Зақий, Ақий, Сўфизода, Авлоний, М. Алабий, Ш. Сулаймон каби шоирларга ҳам ўрин ажратилган. Улар ўзбек совет поэзиясининг тамал тошини қўйган ижодкорлардир. Бу шоирларга антологияда «сўз» берилиши шу жиҳатдан ҳақиқатдир. Уларнинг ижоди рус китобхонлари орасида айтири тарқалган эмас.

«Антологията С. Жура, Х. Қудат, А. Умарий, У. Носир, Ғайратий, С. Абдулла, Т. Фаттоҳ, М. Шайхзода, М. Бобоев каби шоирларнинг шеърлари ҳам киритилган.

Мен юқорида китобга асарлари киритилган шоирларнинг номларини атайлаб бирма-бир санаб ўтдим. Китоб саҳифаларини варақлаб туриб, менда айрим эътирозлар мўлоҳазалар ҳам пайдо бўлди. В. Зоҳидов мақоласида, юқорида айтилгандай, ўзбек поэзияси ҳақида анча атрофлича мўлоҳаза юртилган. Мақолада Алишер Навоий, Фурқат, Муқимий, Ҳамса, Ойбек, Ғ. Гулом, Х. Олимжон ва бошқа йилрик ўзбек шоирлари ҳусусида ҳам аниқ-муниқ илтифатлар айтилган. Бироқ китобда ана шу машҳур сўз санъаткорларининг ижодидан намуналар берилмаган.

Тўғри, уларнинг номи ва ижоди рус китобхонларига аниқ таъкид. Эҳтимол, тўралоғи А. Наумов шу мўлоҳазаларга талиб, тақрирда йўл қўйишни астамганлар ва антология «майлони» висбатан халқи номи кенг айтиришга нотаниш ижодкорлар учун ажратмоқчи бўлганлар.

Бундай мўлоҳазалар қўшимча бўлади.

Шаҳсан, менинг ўзим ҳам 1965 йилда рус тилида нашр этилган «Асрлар қўшиғи» номи ўзбек шеърятининг энг тоғлиги режиссурасининг бир азоси сифатида худди шундай мўлоҳазаларга дуч келган, энг ёриш, энг муҳим асарларнинг қайси бирини тавлаш билмасдан қўйиладиган қолган эдим. Ўшан



НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Қосон сой марказида янги универсал мағазини фойдаланишга топширилди. Суратда: универсал кўришиши. Х. Ҳайдаров фотоси (ЎзТАГ).

ГАЗЕТХОН БОНГ УРАДИ

«Саёҳатчи» пойафзаллар

Хар гал Андижон темир йўл станциясига Борганида савдо ташкилотларидан, базалардан келган кишиларни учратаман. Улар орасида Кўргантепа районларо базасининг товаршуноси Мамуржон Чўббоев, Андижон область пойафзал савдо базасининг экспедитори Абдуракхон Чумарин ҳам бор.

— Нима гал? — сўрайман уллардан.

— Контейнер сўраб келгандик, беришмапти.

— Нера!

— Тошкент, Чирчик, Янгийўл, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Қўқон пойафзал фабрикаларидан келган брак оёқ кийимларини эгаларига қайтариб жўнатмоқчи эдик. Темир йўл оқ бўлими ҳодимларининг айтишларига, брак товарларини жўнатиш планлаштирилмас экан. Имоннатимиз бўлганда контейнер беришимиз дешишайди. Ҳайронимиз, нима қилиш керак!

— Базамизда брак пойафзаллар қўйиб кетдик, — деди Абдуракхон Чумарин, — уларни қўйгани жой йўқ. Контейнер бўлмагани учун бир машина брак қилган пойафзални юклаб Фарғона пойафзал фабрикасига бордим. Улар нима дейишди дегн: «Ўзимиз олишган оёқ экан, қайтариб олишга мажбуримиз. Лекин ҳар бир пойафзалга брак белгисини қўйиб чақки қилибсизлар.

Борис ПАРМУЗИН, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи секретари.

Бирлашмаган бахт кўчмас. Чачоқлар ҳам ярамас, Чачоқлар-қоронғуда. Ирми тоғар қақчақчақ, Чалибиб куку-оғуға. Богболикда «омилкор» Чойхонача амаиш — Сўрхидан бир йўла Шинини тегинг бир татим.

Ғанк АБДУЛЛАЕВ, боғбон.

Шу белги бўлганда бошке базаларга жўнағиб юборардик.

Ўтган йили Андижон область пойафзал савдо базаси Фарғона пойафзал фабрикасидан 13113 жуфт, Тошкентдаги 1-2 пойафзал фабрикаларидан 11462, Қўқон фабрикасидан 4421, Чирчик фабрикасидан 4990, Янгийўл фабрикасидан эса 2290 жуфт брак оёқ кийими олди. Андижон область матбуот жамиятига ҳам мазкур фабрикалардан 37864 жуфт, Самарқанд пойафзал фабрикасидан 5440, Бухоро пойафзал фабрикасидан 2040 жуфт брак пойафзал келди.

Шуниси қизиқки, брак пойафзаллар савдо ташкилотлари билан фабрикалар ўртасида «савахт» қилиб юрибди. Харидорларга ёқмасдан қайтиб келган пойафзалларнинг нуқсонлари фабрикаларда тузатилмаган яна савдо ташкилотларига жўнатилаётгани ҳақида фактлар бор. Бундай қўб-бўямачилик кўпроқ Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида рўй бермоқда.

В. ЖАЛИЛОВ, Андижон область товар экспертиза бюросининг катта эксперти.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

БОЛАЛАР АДАБИЕТИ БУРЧАГИ

АҲИЛЛИК

Узлимас бир-бирдан — Ушлагандир қўллар.

ШИННИ

«Ҳазил аралаш»

Чоқсоннинг кенг саҳнини Салқин қилмиш сўрилар. Азми кўриб демангиз:

«Ўзум ҳам мўл бўлар. Гужинг эди шўраси. Тизилгандек дур мунчоқ, Холтоқ кўрайи сўғиғида Гуллаб тўғди, эҳ, чакос; Бир сафдамас чоқдек. Гужумлар таркоқ, зичмас. Босишарин тарозу,

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ

ТЕЛЕВИДИЕНИНИНГ

«ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимн. 10.00 — «Кўнлик кў. шича». 10.25 — «Ҳўнчилар» (телеконтраст). 12.05 — «Ҳай

Ташкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

воног оламиди». 15.30 — Хужжатли фильм: 16.30 — Концерт. 17.00 — «Орлеон». 18.00 — «Музыкали аботемат». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Учинчи йил — зарбдор йил». 19.30 — «Эртюк президент». Сальвадор Альенде тугилган кунинг 70 йиллиғига. 20.00 — Футбол. Жаҳон чемпионатининг финали. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Санъат усталари». 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Болалар учун фильм: 18.15 — Воллар улут кўрсатув. 18.45 — Халқаро шароитчилар даирасида. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Спартак» (М). 21.15 — «Ахборот». 21.30 — «Вақт» (Моонва). 22.00 — «Ғалла — ризқ». 22.15 — «Ўзбекистонда Пушкинхонлиги бағишланган таътанали неча.

Радио

БУГУН

Биринчи программа. 8.30 — «Янги нафйят». 9.15 — «Ле, нинча радиостанция». 9.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 11.15 — «Фан ва ишлаб чиқариш». 11.30 — В. Войнобулов шеърлари билан айтилган индустриаллий». 13.00 — «Ходилеро отари» (радиохўш). 13.30 — Чолгу кўйлар. 14.00 — Ғўза парваринишга алоҳида эътибор берилади. 16.10 — Концерт. 18.15 — «Иқтисодий

билмилар радиостанцияси». 19.30 — Москва. «На страже порядка». 19.40 — «Тарих бизники». С. Альенде тугилган кунинг 70 йиллиғига. 19.50 — «Партия — вўлошчилик» (нагата-оратория). 20.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Спартак» (М). 21.30 — «Ёзувчилар пахта далаларида». 22.28 — Концерт. 23.20 — Дам олиш концерти.

Уқишга кирмиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши керак: 1.7 синфлар учун таъли, медицина справаси (63-форма), тугилганлиги қандай гувоҳнома (асли), область йўлданмаси, ота-онанинг туғур жойдан (наромиғидан) мишлар рўйхати (қўрсатилган) справа, ота-онанинг иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақи кўрсатилган справа.

Ўқишга кирувчилар МАТЕМАТИКА ВА ФИЗИКА БУЙИЧА 7-СИНФ ҲАҚИДА СУҲБАТДАН ЭТАДИЛАР.

Уқишга кирмиш шаҳар мактаблари ўқувчиларини ташқи республиканинг барча областлари ҳақида Қораканлигостан АССР ўқувчилари қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ 20 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГАЧА ИШЛАЙДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қилдор массиви, 9-квартал, 33-уй. Телефонлар: 76-39-85, 76-42-59.